



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович,

Тошкент молия институти

“Банк иши кафедраси” доценти, DSc.

Email: boburbekizbosarov@gmail.com, ORCID:0000-0002-0763-073X

MANAGEMENT OF FINANCIAL RESOURCES OF COMMERCIAL BANKS AND THEIR EVOLUTIONARY DEVELOPMENT

Izbosarov Boburjon Bakhriddinovich,

Tashkent Institute of Finance

DSc., Associate Professor of the Department of Banking,

Email: boburbekizbosarov@gmail.com, ORCID:0000-0002-0763-073X

JEL Classification: G2,G21

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга ва ҳуқуқий асослари тегишли қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар ва меъёрий ҳужжатлар атрофлича ўрганилган, мазкур қонунчилик ҳужжатлари халқаро ва маҳаллий банк амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзгартириш бўйича тадқиқот амалга оширилган ва хулосалар шакллантирилган. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш бўйича тўпланган тажриба яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қийслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди. Мавзуга доир хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, адабиётлари атрофлича ўрганилди. Шунингдек, илмий тадқиқот давомида Жаҳон мамлакатлари Марказий банклари, йирик молия-саноат холдинг компаниялари ва халқаро Базель қўмитаси тижорат банклари молиявий

ресурсларини бошқариш усуллари ва услубиятини такомиллаштириш қатор талаблар, меъёрлар ва тамойиллар кўриб ўтилган. Жумладан, улар тижорат банклари ресурслари таркибида узоқ муддатга сақланадиган, қиймати жиҳатидан арзон ва турли маънабалардан жалб қилиш бўйича мавжуд механизмлар тадқиқ этилган. Хусусан, банкларда барқарор маблағлар ҳажмини паслиги, рискли актив ва муддатли пасив операциялар ўртасида ўзаро фарқнинг юқорилиги, депозит маблағлар улушининг паслиги каби долзарб масалалар атрофлича кўриб чиқилган. Жаҳонда молиявий ва ижтимоий жараёнларнинг таранглашуви оқибатида тижорат банклари ресурслари таркибида депозитлар улушининг пасаяётганлиги, фонда бозорининг етарли даражада ривожланамаганлиги, банк акциялари ва облигациялари жозибадор эмаслиги, депозит ва кредит фоиз ставкалари юқори даражада сақланиб қолаётганлиги каби масалар тадқиқ этилган шунингдек, республикамиз тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш билан

боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

капитали, инвестиция, мажбурий захира сиёсати, валюта, очиқ бозор операциялари.

Abstract. In the article, the laws, decrees, decisions, regulations and regulatory documents related to the management of financial resources of commercial banks in the Republic of Uzbekistan and their legal basis were studied in detail, research was carried out and conclusions were drawn on the changes in the socio-economic processes taking place in the international and local banking practices of these legal documents. The accumulated experience of managing financial resources of commercial banks was closely studied and a database was compiled. Based on the collected data, methods such as observation and comparison of economic analysis, systematic approach and logical approach were effectively used. Researches and literature of foreign and local scientists on the topic were thoroughly studied. Also, during the scientific research, a number of requirements, norms and principles for improving the financial resources management methods and methodology of the Central Banks of the world countries, large financial-industrial holding companies and international Basel Committee commercial banks were considered. In particular, they are researched the available mechanisms for attraction from various sources, which are stored for a long time in the resources of commercial banks, are cheap in terms of cost. In particular, current issues such as the low volume of stable funds in banks, the high mutual difference between risky asset and term passive operations, and the low share of deposit funds have been

carefully considered. As a result of the tension of financial and social processes in the world, the share of deposits in the resources of commercial banks is decreasing, the fund market is not sufficiently developed, bank shares and bonds are not attractive, deposit and loan interest rates are kept at a high level. also, problems related to the management of financial resources of commercial banks of our republic were identified and scientific proposals and practical recommendations aimed at solving them were developed.

Таянч сўзлар: пул, тижорат банки, Марказий банк, актив, мажбурият, депозит, капитал, бошқариш, молиявий ресурсларни бошқариш, ресурс, молиявий ресурслар, банк

Key words: money, commercial bank, Central Bank, asset, liability, deposit, capital, management, management of financial resources, resource, financial resources, bank capital, investment, mandatory reserve policy, currency, open market operations.

Кириш. Замонавий шароитда тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг назарий асосида банк акциялари қийматини ошириш, риск ва фойда ўртасидаги ўзаро муносабатларни самарали ташкил этиш, узоқ муддатли ва барқарор ресурслар билан тامينлаш ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган рискларни даражасини пасайтириш каби долзарб масалалар ётади. Бизнинг назаримизда, бунинг асосий сабаблари сифатида дунё иқтисодиётининг глобаллашуви, молиявий воситачилик хизматларининг рақамлашуви ва электрон тўловларнинг ривожланиши, истеъмол ва молия бозорларида баҳоларнинг тебраниши, бундан ташқари мамлакатлар

ўртасида юз бераётган гиёсий вазиятларнинг таранглашуви каби жараёнларни келтириш мумкин.

Албатта, дунё иқтисодий майдонида оўй бераётган жараёнлар Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва молиявий муассасалари фаолиятига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Шуларни эътиборга олиб, кейинги йилларда Ўзбекистонда тижорат банклари ресурслари ҳажмини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш масалаларига Марказий банк ва ҳукумат томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш” каби долзарб вазифалар белгилаб қўйилган [1].

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда кейинги йилларда юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитлар ва молиявий муассасалар хизматлари ва кредитларига бўлган талабининг тобора ортиб бориши тижорат банкларининг “молиявий супермаркет” сифатида мазкур талабларни қондириши зарурлиги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун тижорат банклари етарли даражада узок

муддатга жалб қилинган, арзон ва барқарор молиявий маблағларга эга бўлиши зарур. Тижорат банкларида молиявий ресурсларни жалб қилиш, бошқариш ва самарали жойлаштиришни йўлга қўйилиши мазкур масалаларнинг ечимига хизмат қилади.

Материал ва метод. Ўзбекистонда тижорат банклари молиявий ресурсларини барқарор манбаълар ҳисобидан шакллантириш, уларни самарали жойлаштириш ва ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бироқ, жаҳонда юз бераётган гиёсий, гиёиқтисодий жараёнларнинг ривожланиши, макон ва замоннинг ўзгари бу борадаги илмий қарашлар ва ёндошувлар устида тадқиқот ишлари амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Шу боис тадқиқотимизда “бошқариш”, “молиявий ресурсларни бошқариш”, “ресурс”, “молиявий ресурслар”, “капитал” ва “банк капитали” каби иқтисодий терменларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмунига хориж ҳамда маҳаллий иқтисочилар олимлар ва мутахассислар томонидан берилган таърифларни атрофлича қиёсий тадқиқ қиламиз.

Ўрганишлар ва амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари ресурсларини бошқариш билан боғлиқ жараёнлар жуда ҳам чуқур тарихни ўз ичига олмайди. Чунки, халқаро банк амалиётидан маълумки, 1980 йилларга қадар банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш ва фойдасини шакллантириш уларнинг активларини бошқариш орқали амалга оширилган, бунинг асосий сабаби шундаки иқтисодиётда тижорат банклари учун ератли даражада пул маблағлари таклифи бўлган.

1980–йилларга келиб банкларда интеграциялашув жараёнининг чуқур-лашуви, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро сузиб юривчанлигига шароитнинг яратилганлиги ва иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви банк ликвидлигини таъминлаш ва зарур миқдорда фойдасини шакллантириш учун фақатгина банк активларини бошқариш кифоя бўлмай қолди [2].

Жаҳон банки етакчи мутахассиси Диана Мак Нотон: «Яқин – яқингача (1980-1990 йиллар назарда тутилмоқда) ривожланаётган мамлакатлар молия бозорларида ресурсларни бошқариш масаласига жиддий эътибор берилмас эди. Ҳозирги кунга келиб, аҳвол кескин равишда ўзгармоқда, ушбу молиявий бозорларда фаолият юритаётган банклар молиявий ресурсларни бошқаришга алоҳида эътибор билан қарашмоқда», – дея таъкидлайди [3].

«Банк фаолиятини бошқаришнинг янги усуллари доимий такомиллаштирилмаслиги оқибатида, нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки ривожланган мамлакатлар банклари ҳам иқтисодий инқирозга юз тутиши табиийдир. Мисол тариқасида, 1980 йилларнинг охирида АҚШ ссудо – жамғарма уюшмалари ва тижорат банклари иқтисодий инқирозини келтиришимиз мумкин» [4]. Буни ХХ асрнинг иккинчи ярмида Осиё, Лотин Америка, Ғарбий Европа ва Россия молия тизимида бўлиб ўтган иқтисодий инқирозлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин [5].

Тижорат банклари ресурсларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масалалари барчаси “пул”да, яъни қийматда амалга оширилади. Пул алоҳида олинган мамлакатнинг миллий

валютаси ҳисобланади ва унинг барқарорлиги қатор омиллар билан изоҳланади.

А.Смит «Пул – муомаланинг буюк ғилдираги» асарида молия-кредит соҳасининг ролини етарли даражада ёритиб беришга эришган. Бозор муносабатлари шароитида айнан банклар ва солиқлар орқали иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги хусусидаги фикрларни ёқлаб чиқади. Шунингдек, солиқларни тўлаш муддатини аниқ белгилаб қўйиш, агар тўлов муддатлари кечиктирилса, тўлов кечиктирилган кунлар учун санкциялар қўлланиши лозимлигини таъкидлайди [6].

Ж.С.Милль классик мактаб вакиллариининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги ғояларини яқунлади ва унинг «Сиёсий иқтисоднинг асослари ва унинг ижтимоий философияга ўғриладиган баъзи жиҳатлари» (1848) асарида бозор мувозанатини таъминлашда пулнинг «нейтраллиги» концепциясини яратди [7]. У пулни айирбошлаш жараёнини енгиллаштирувчи дастак сифатида талқин этди.

Ж.Б.Сэйдан фарқли ўларок, баъзи неоклассик мактаб вакиллари пулнинг жамғарма функциясини қисман эътироф этишади. Хусусан, А.Маршалл «одамлар сотиб олиш имкониятига эга бўлишига қарамасдан, улар пулни ишлатмасликлари мумкин», дейди. Кўриниб турибдики, ушбу эътироф Сэй қонунини тўлиғича инкор этмайди. Аксинча, неоклассик-иқтисодчилар шундай тўхтама келишдики, Сэй қонуни бир шарт билан бажарилади, бу вақтда фақат жамғарма инвестиция ($S=I$) кўринишини олади. Уларнинг таъкидлашича, бу вақтда капитал бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати фоиз ставкасининг барқарорлиги ҳисобига юз беради. Агар

жамғарма (капиталнинг таклифи) хажми мўлжалланган инвестиция қилиш ҳажмидан кам бўлса, натижада фоиз ставкаси ошади, бунинг оқибатида инвестицияга бўлган талаб камаяди, жамғармага нисбатан таклиф эса ортади [8]. Ушбу ҳолат ўртасидаги ўзаро мувозанат фоиз ставкаси асосида тартибга солинади.

Ж.Кейнс бозор иқтисодиёти шароитида даромад ва харажатларнинг ўсиши инвестиция хажми ҳам шу даражада ўсади, деган хулосани чиқаришга асос бўлмайди, деб уқтиради. Мантқиқий жиҳатдан аҳоли жамғармаси хажмининг ўсиши фирмалар томонидан амалга оширилаётган инвестициялар хажмининг ошишига олиб келади, деган хулосанинг чиқарилиши нотўғридир. Бундан ташқари, жамғармани кўпайтириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг кучайиши аҳолининг истеъмолга ажратаётган маблағлари хажмининг қисқариши билан боғлиқ эканлигини, бу эса товарлар ва хизматларнинг реализациясига салбий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, аҳоли томонидан истеъмолга йўналтирилмаган маблағлар тўлиғича жамғарма сифатида банкка топширилиши кафолатланмаган. Тажрибадан маълумки, истеъмолга йўналтирилмаган маблағларнинг асосий қисми аҳолининг қўлида тўпланиб, пулнинг қадрсизланишига олиб келади [9].

Давид Полфреман, Филип Форд банкларнинг ресурсларини банк пассивлари сифатида талқин қилишган. Улар асосан тижорат банкларининг пассивларига асосий эътиборни қаратишиб, ресурсларнинг манбалари, шаклланиш амалиёти ва уларни

бошқариш масалаларини эътибордан четда қолдиришган [10].

Синки Дж. ресурсларни нафақат тижорат банклари, балки молиявий компаниялар, жамғарма кассалари, турли молиявий фондлар ҳам жамғаради деган фикрни илгари суради [11]. Биз тижорат банклари нафақат ресурсларни жалб қилади, балки уларни фойдали манбаларга юқори риск асосида жойлаштириш орқали, банкларнинг фаолияти бошқа молиявий муассасалар фаолиятидан фарқ қилишини таъкидламоқчимиз. Айнан, мана шу жарённинг ўзи тижорат банкларига ресурсларни самарали бошқариш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқот объектини "ресурс"нинг иқтисодий моҳиятига қаратмоқчимиз. Ресурс - французча «ressource» [12] сўзидан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, заҳира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хом-ашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий манбаларда «ресурс» сўзи турли хил маъноларда, яъни, табиат ресурслари, молиявий ресурслар, иқтисодий ресурслар, инсон ресурслари ва бошқа кўринишларда тез-тез учраб туради. Шундан иқтисодий ресурсларни жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида тақсимланадиган иқтисодий имкониятларининг асосий элементларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ундан иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг аниқ мақсадларига эришишда фойдаланилади. Иқтисодий ресурслар асосий қисми, бу молиявий ресурслар бўлиб, бу ресурслар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган пул-кредит ва бюджет маблағларини ташкил қилади.

Молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб, вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, солиқлар, жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, чек-депозит эмиссияси билан боғлиқ маблағлар ва бошқалар ҳисобланди.

Кўзланган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, молиявий ресурсларнинг ажралмас қисми бўлган банк ресурсларига кенгрок тўхталмоқчимиз. Банк ресурслари тўғрисида республикада и.ф.н. Б.Бабаев[13] томонидан илмий тадқиқот иши олиб борилган. Унда банк ресурсларининг моҳияти, таркиби, ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кенг очиб беришга ҳаракат қилинган. Бироқ, бизнинг фикримизча, банк ресурслари ва уларнинг моҳияти ҳамда ишлатилиши билан боғлиқ муаммолар мазкур муаллифнинг ишида ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Республикада пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишда банклар фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ҳамда банкларнинг ресурслар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш лозим [14].

Ҳатто охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларида, ўқув китоблари, монографияларда молиявий ресурслар, кредит ресурслари, молиявий механизмлар ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб масалалар кўтарилган бўлсада, уларда банк ресурсларини бошқариш масалаларини комплекс ўрганиш четлаб ўтилган [15].

Ресурс тушунчасига таъриф берганда «ресурс» - бу, нафақат маблағ, балки у захира ва имконият ҳам деб ўтган эдик. Шундан келиб чиқиб, «банк ресурслари» нафақат қарз мажбуриятлари ёки эгалик ҳуқуқини олиш учун маблағ жалб қилиш, балки банк учун даромад келтирадиган захира ва имконият ҳамдир.

Россиялик олим О.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ресурслари ёки «банкларнинг ресурслари» банкнинг ихтиёрида бўлган ўз ва жалб қилинган ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, унинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади [16]. Шундай фикрни бошқа бир гуруҳ муаллифларнинг илмий изланишларида ҳам учратиш мумкин. Тижорат банкларининг ресурслари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил қилинишини таъкидлаш, бизнинг фикримизча, уларнинг манбаларига кўпроқ эътиборни қаратади. Банк ресурсларининг зарурлиги банк фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориш натижасида шаклланади. Банклар ташкил қилинишининг илк босқичларида банклардан авваламбор ўз капиталининг мавжуд бўлиши ва банклар кейинги фаолиятларини олиб боришлари учун эса маблағлар жалб қилиниши талаб қилинади. Шу боисдан, тижорат банклари ресурслари моҳиятини таърифлаганда нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз банк ресурслари - бу банк сиёсати доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин

бўлган, банкнинг ўз маблағларидан ва жалб қилинган маблағларидан ташкил топган, банкнинг даромад олишга асос бўлувчи заҳира ва имкониятларнинг йиғиндисидир деган таърифни келтирмоқчимиз. Бу таъриф орқали биз биринчи навбатда банк сиёсатини амалга оширишда қўйилган вазифлардан келиб чиққан ҳолда, банк ресурсларини турли манбалардан ташкил қилинишини таъкидлашимиз мумкин.

Тижорат банклари бошқа хўжалик субъектлари каби ўзининг хўжалик ва тижорат фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда пул маблағларига, яъни ресурсларга эга бўлишлари лозим. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий талабларида банк ресурсларини ташкил этиш муаммоси банк фаолиятини бир маромда олиб бориш учун биринчи даражали ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши билан банк ишида давлат монополияси тугатилди, икки босқичли банк тизимини шаклланишида банк ресурслари характери ижобий томонга ўзгаради.

Банк капиталига берилган иқтисодий таърифларнинг қиёсий таҳлили натижасида маълум бўлдики, уларнинг барчасида банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб берувчи у ёки бу жиҳатлари ифодаланган, холос. Таъкидлаш жоизки, олимларнинг банк капитали хусусидаги таърифлари маълум даврда шакллантирилган бўлиб, капиталнинг айрим йўналишдаги моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Масалан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банкнинг молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди [17]. Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми

сифатида қаралиши натижасида унинг асосий (ҳимоя, тезкор ва тартибга солиш) вазифалари эътибордан четда қолган.

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндошувлар ва уларнинг эволюцион ривожланиши ва республикамиз тижорат банкларини молиявий ресурсларини бошқариш бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндошувлар ва уларнинг эволюцион ривожланиши ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижа. Ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда тижорат банклари ҳар йили депозит сиёсатини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва Марказий банкка тақдим этади, бироқ кўпчилик ҳолатда улар ушбу сиёсатининг амал қилишига етарли даражада эътибор беришмайди. Бунга ёрқин мисол сифатида, мамлакатимиз банк тизимида кейинги йилларда Марказий банк пруденциал нормативларини бажаришга хизмат қилганини ҳамда амалий жиҳатдан банклар миқдорларнинг мажбуриятларини бажаришда валюталар тақчиллиги, вакиллик ҳисоб-варақларида маблағлар тақчиллиги каби муаммоларга дуч келганини кўрсата оламиз.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга қўйилган стратегия ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, тижорат банклари қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида депозитларнинг ҳар хил турлари ва муддатларини таклиф этмоқда, мижозларга нақд пулларни бериш ва вакиллик ҳисоб-варақларини мувозанатлашган бошқариш усулларини жорий этмоқда. Бироқ, Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш стратегияси бўйича қўйган талабларига эътибор берадиган бўлсак, улар кейинги йилларда деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Марказий банкнинг тижорат

банклари ликвидлилигини бошқариш стратегиясида “Балансинг актив қисмида ликвидликни бошқариш учун Давлат қисқа муддатли облигациялари ёки захираларнинг ортиқча миқдорини ёхуд қисқа муддатли қўйилмалари каби бошқа ликвидли активларни харид қилиш ёки сотиш усуллари билан амалга оширилиши” белгилаб қўйилган [18].

Бироқ, тижорат банклари ликвидликни бошқаришда ушбу молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятлари жуда чекланган бўлиб, буни уларнинг молиявий ҳисобларида ҳам кузатиш мумкин. Қўйидаги жавдалда банк тизими юқори ликвидли активлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Тижорат банкларининг 2019-2023 йилларда жами активлари таркиби [19]

(1 январь ҳолатига, улуши жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Нақд пуллар	2,7	2,4	2,7	2,4	2,8
Марказий банкдаги маблағлар	5,1	5,4	5,1	7,1	6,3
Инвестициялар	2,6	1,2	2,6	4,4	5,6
Кредит қўйилмалари, соф	73,8	76,1	73,8	71,1	65,7

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, Ўзбекистон тижорат банклари жами активлари таркибида инвестицияларнинг улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023 йил 1 январь ҳолатига 5,6 фоизга етган ёки таҳлил этилаётган давр давомида 3,0 пунктга ортган. Ушбу кўрсаткични хорижий мамлакатларнинг тижорат банклари баланснинг активлари таркибида Хитой давлат тижорат банкларида 18-21 фоизни [20], Россия Сбербанкда эса бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади [21].

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини оширишга қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан, мамлакатда бозор механизмлари, қоидалари ва тамойилларини етарли даражада жорий этилганлиги, тижорат банклари капитали таркибида давлат ва хусусий шахсларнинг улушини даражаси каби қатор масалалар шулар жумласидандир. Масалан, миллий иқтисодиётда коррупция ва хуфёна иқтисодиёт даражасининг юқорилиги, тижорат банклари капитали таркибида

давлат улушининг 85 фоиздан юқорилиги мазкур муаммоларни ечимини топишга тўсқинлик қилмоқда.

Кейинги йилларда жаҳондаги кўпчилик банклар, шу жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг банклари омонатчиларни кўпайтириш ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ бўлган риск даражасини камайтириш мақсадида банкка қўшимча капитал жалб қилишга катта эътибор беришмоқда. Тижорат банкларининг капиталини кўпайтиришдан қутилаётган асосий мақсад сифатида, Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилик даражасини таъминлаш ва молиявий бозорга кириш имкониятини ошириш ҳамда миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция даражасининг таъсиридан ҳимояланишни эътироф этишимиз мумкин. Чунки инфляция мавжуд бўлган шароитда банкларнинг активлари ва мажбуриятлари қийматининг доимий равишда ўсиб бориши банк капиталининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишнинг бир маромда юз бермаслиги банк даромадининг барқарорлигини таъминлаш рискинни ошиб боришига олиб келади.

Иқтисодиётнинг узлуксиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида заиф капиталга эга, яъни банк капитали етарлилигини таъминлаш юзасидан муаммолари мавжуд бўлган тижорат банклар, давлатнинг тегишли молиявий органлари томонидан назорат остига олинади ва бу жараён банк капиталининг зарур меъёрига етказилгунга қадар давом этади. Ушбу назоратдан кўзланган асосий мақсад банкнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишини олдини олиш ва мавжуд

риск даражасини камайтиришдан иборат бўлади. Тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигига эришиш уларнинг акциядорларини манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Ольхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради. Агар тижорат банклари қутилмаганда иқтисодий жиҳатдан зарар кўрса, капитал «ҳимоя ёстиғи» сифатида кўрилаётган зарарнинг оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади [22]. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига кенгроқ урғу берилган. Ваҳоланки, капитал банк учун молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Худди шунингдек, хорижлик иқтисодчи Крис Барлтроннинг банк капиталига «қимматли» манба [23] сифатида берган таърифини эътироф этган ҳолда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганлигини таъкидламоқчимиз. Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки қўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Капиталнинг «қимматлилиги» шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига

олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар ўзларининг эгасини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетишига, бу эса ўз ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас балки банкнинг молиявий қийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банки ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди [24]. Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилиқ (ликвидлилиқ) риски доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағларисиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчиларининг маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар, банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатнинг сурункали равишда давом этиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигини, охир оқибат мижозлар ва омонотчиларнинг ўз ҳисоб рақамларидан ёппасига маблағларни олишига ва банкнинг банкротликка учрашиш ҳолатига олиб келишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодчи олим Жан

Матукнинг банк капиталини банкнинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи омил, деган фикрига қисман қўшилган ҳолда, банк капиталининг тўловга қобиллигини таъминлаб туриш учун Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган капиталнинг етарлилигига қўйилган талабларни доимо бажариб бориши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банклари капитали банк фаолиятини бошқаришда муҳим молиявий маънаба сифатида майдонга чиқади. Жумладан, тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишда қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

а) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек, ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвеститсиялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвеститсиялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун қимматли қоғозларга киритилган банк инвеститсиялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак [25].

Шу билан бирга, тижорат банки асосий капиталининг етарлилиқ миқдори уларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни аниқлашда ҳам асосий иқтисодий мезон бўлиб ҳисобланади. Масалан, тижорат банкларининг битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ мижозлар

гурухига берадиган ишончли кредитларининг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бундай миждозларга таъминланган кредитлар берилаетган бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Тижорат банкларининг миждозларга берадиган йирик кредитларининг умумий миқдори биринчи даражали банк капиталидан 8 мартадан ошиб кетмаслиги керак [26].

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндошувлар ва уларнинг эволюцион ривожланиш жараёни узлуқсиз равишда давом этиб бормоқда, айниқса бу жараён вақт ва замон кесимида доимий равишда илмий-тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Хулоса. Ўзбекистонда Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришни методологик ва ҳуқуқий асослари яратилган бўлишига қарамасдан, улар глобаллашув шароитида доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади;

- тижорат банкларида қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилганда Марказий банкдан асосий ставкада истаган тижорат банки кредит олиш имкониятига эга эмас, шунингдек ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари

амалиётида деярли қўлланилмаётган, қўлланилаётган тақдирда ҳам унга маълум даражада фоиз тўланадиган мажбурий захира меъёрларидан воз кеча олмаяпти, бу албатта тижорат банкларининг ликвидлиги тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмоқда;

-Марказий банк иқтисодиётининг глобаллашув шароитидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари юқори ликвидли активлар таркибига тижорат банкларининг “нақд пуллари” ва “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозлари”ни киритиши мақсадга мувофиқ;

- тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини халқаро банк амалиётидаги даражага етказишга алоҳида эътибор қаратиш орқали, уларнинг молиявий ресурсларини бошқариш бўйича самарали тезкор қарорларни амалга ошириш имкониятини берувчи молиявий инструментлардан кенгроқ фойдаланиш зарур;

- мамлакатда бозор муносабатларини (механизмлари, қоидалари, тамойиллари) кенгроқ жорий этиш, миллий иқтисодиёт ва молия бозорлари шаффофлигини ошириш ҳамда тижорат банклари капитали таркибида давлат улушини сезиларли даражада камайтириш тижорат банклари молиявий ресурсларини мустаҳкамлигини оширишга ижобий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
2. Рид Э., Коттер Р., и другие. Коммерческие банки. Пер. с англ. под ред. Усоскина В.М. 2-е издание. –М.: Космополис, 1991. –С. -168;



3. Нотон Д. М. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. -Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк, 1994. Т.1.-С.118.
4. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. -Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк, 1994. Т.1. -С. -2.
5. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008, БМА, 36 б.
6. Смит А. Деньги – это великое колесо обращения. –М.: 1962, - С. 256.
7. Милль Ж.С. Указанные сочинения. М.: Прогресс, Т. II. - С.240-241.
8. Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М, 2001, - С.313.
9. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008, БМА, 36 б.
10. Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. –М.: Инфра М. 1996. -С. 102-104.
11. Синки Дж. Управление коммерческими банками. Перевод с англ. –М.: Cattalaxy. 1994. –С. 22-23.
12. Азрилияна А. Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики, 1999. - 852 с.
13. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.
14. Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиков. « Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкнт. Иктисод-Молия, 2009йил Б-48-49.
15. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон кишлок хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.; Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала //Деньги и кредит. –Москва, 2000. -№6. –С. 20-23.; Косован К.С. Управление ресурсами в коммерческом банке //Деньги и кредит. –Москва, 2001. -№6. –С.32-36.; Мурычев А.В. О путях укрепления ресурсной базы российских коммерческих банков //Деньги и кредит. –Москва, 2003. –№11.–С.48-52.; Наврузов А. Пути повышения эффективности использования ресурсной базы коммерческих банков //Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2002. -№ 9-10.– С.10-12.; Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -21 с. ва ҳоказо.
16. Банковская дело. Под редакции О.И. Лаврушина М.Фин. и статистика. 1998. с.68.
17. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. С. 92.
18. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: «ФиС», 2001. С. 74.
19. Ўзбекистон Марказий банки статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
20. www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмалари.
21. https://www.sberbank.ru/common/img/uploaded/files/info/ifrs2018/_sberbank_ifrs-ye2018-rus.pdf
22. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., С. 102.



23. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.

24. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori "Tijorat banklari tomonidan qimmatli qog'ozlar bilan o'tkaziladigan operatsiyalarga va ularning boshqa korxonalar ustav kapitalida qatnashishiga qo'yiladigan talablar to'g'risida"gi nizom. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2015-yil 29-iyulda 1894-1-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

25. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 189- бет.

26. Ўзбекистон Марказий банки статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.